


V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь-март ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 11629 тага ташкил қилди. Вилоят бўйича кичик тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг сони Урганч шаҳрида 2965 та, Хива шаҳрида 1128 та, Хива туманида 1299 та, Урганч туманида 1233 та, Хонқа туманида 847 та, Янгиариқ туманида 784 та, Ҳазорасп туманида 712 та, Гурлан туманида 659 та, Қўшқўпир туманида 593 та, Боғот туманида 522 та, Шовот туманида 487 та ва Янгибозор туманида 400 тани ташкил қилди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январь–март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 33,6 фоизи), саноат тармоғида (21,8 фоиз), қурилишда (15,1 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (9,3 фоиз) ташкил этилган.

2018 йил январь-март ойларида вилоятда рўйхатга олинган 450 та кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 122 та, Урганч туманида 69 та, Хонқа туманида 37 та, Янгиариқ туманида 35 та, Хива шаҳрида 32, Ҳазорасп туманида 29 та, Гурлан туманида 26 та, Шовот туманида 23 та, Хива туманида 21 та, Қўшқўпир туманида 20 та, Боғот туманида 19 та ва Янгибозор туманида 17 тани ташкил.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони
(бирлик, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2018 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-мартда	
		ташкил топди	тугатилди
Вилоят бўйича:	11629	450	174
<i>шаҳарлар:</i>			
Урганч	2965	122	25
Хива	1128	32	2
<i>туманлар:</i>			
Боғот	522	19	44
Гурлан	659	26	9
Қўшқўпир	593	20	8
Урганч	1233	69	19
Хазорасп	712	29	15
Хонқа	847	37	5
Хива	1299	21	16
Шовот	487	23	5
Янгиарик	784	35	20
Янгибозор	400	17	6

2018 йил январь-март ойларида вилоятда рўйхатга олинган 450 та кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 122 та, Урганч туманида 69 та, Ҳонқа туманида 37 та, Янгиариқ туманида 35 та, Хива шаҳрида 32, Хазорасп туманида 29 та, Гурлан туманида 26 та, Шовот туманида 23 та, Хива туманида 21 та, Қўшқўпир туманида 20 та, Боғот туманида 19 та ва Янгибозор туманида 17 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 47,6 фоизи (2017 йил январь-мартда 52,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 350,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 27,5 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 100,7 фоизни ташкил қилди;

- 343,9 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,0 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлар ялпи маҳсулотининг 98,7 фоизи) ташкил қилди;

- 219,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 62,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 96,2 фоизни ташкил қилди;

- 297,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 91,9 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 96,6 фоизни ташкил қилди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 102,5 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 89,3 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 80,5 фоизи ёки 876,2 млрд. сўми (ўсиш 97,7 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 69,3 фоизи ёки 642,3 млрд. сўми (ўсиш 100,0 фоиз) шакллантирилди;

- 14,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 65,3 фоизи) миқдорда маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 30,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 96,5 фоизи) миқдорда маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши
(2018 йилнинг январь-март)

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	343,9	98,7
Саноат	350,8	27,5
Қурилиш	297,7	91,9
Чакана савдо	876,2	80,5
Юк ташиш, млн тн.	4,9	91,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	80,2	94,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	14,6	65,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	30,1	96,5

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши
(фоизда)



2017 йил январь-март

■ 2018 йил январь-март